



CONSTITUTIONAL AND LEGAL FOUNDATIONS OF THE ORGANIZATION AND EXECUTION OF MILITARY SERVICE IN UZBEKISTAN

Sarvar Mingishovich Kholiqov
Independent Researcher of
University of Public Security, PhD in Law
Email: sarvar_kholikov@mail.ru
Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: military service, Armed Forces, conscription, contract service, reserve, selection, medical examination, responsibility, duty, legislation, restriction.

Received: 25.12.25

Accepted: 26.12.25

Published: 27.12.25

Abstract: This article examines the organization and procedures of military service in the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan, along with the legal status, duties, and responsibilities of servicemen. It highlights the legal framework for conscription, contract-based service, and the mobilization reserve. The study also addresses the processes of medical examination, candidate selection, reforms in military legislation, and existing practical challenges. Additionally, it discusses military service as a special type of public service and outlines the associated legal restrictions. The article also examines in detail the development of trends related to state sovereignty, territorial integrity, determining the position of the armed forces in protecting the peaceful life and security of the population, and military service during the years of independence. The article focuses on the development of types of military service as an innovation, the specifics of the organization of military service on a contractual basis.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТАШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сарвар Мингишович Холиқов
Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси, ю.ф.ф.д (PhD)
E-mail: sarvar_kholikov@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ҳарбий хизмат, Қуролли Кучлар, муддатли хизмат, контракт, резерв, танлов, тиббий кўрик, жавобгарлик, бурч, қонунчилик, чекловлар.

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиблари, шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми, бурчлари ва жавобгарлик масалалари таҳлил қилинган. Муддатли ҳарбий хизмат, контракт асосидаги хизмат ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Шу билан бирга, тиббий кўрик, танлов ва саралаш жараёнлари, ҳарбий хизматга оид қонунчиликдаги ислоҳотлар ҳамда амалиётдаги муаммолар ва ечимлар муҳокама қилинган. Ҳарбий хизматнинг давлат хизматининг махсус тури сифатидаги мақоми ва ундаги чекловлар ҳам ёритилган. Шунингдек, мақолада давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишда Қуролли кучларнинг ўрнини аниқлаш, мустақиллик йилларида ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ тенденциялар ривожига батафсил баён этилган. Мақолада янгилик сифатида ҳарбий хизмат турларининг ривожланиши, контракт асосда ҳарбий хизматни ташкил этишнинг ўзига хослигига алоҳида урғу берилган.

КОНСТИТУЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ И ПРОХОЖДЕНИЯ ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ В УЗБЕКИСТАНЕ

Сарвар Мингишович Халиков

*Независимый исследователь Университета общественной безопасности,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)*

E-mail: sarvar_kholikov@mail.ru

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: военная служба, Вооружённые Силы, срочная служба, контракт, резерв, отбор, медосмотр, ответственность, долг, законодательство, ограничения.

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы организации и прохождения военной службы в Вооружённых Силах Республики Узбекистан, а также правовой статус, обязанности и ответственность военнослужащих. Рассматриваются

нормативные основы срочной службы, контрактной службы и службы в резерве мобилизационного призыва. Особое внимание уделено медицинскому освидетельствованию, отбору и отборочным комиссиям, а также реформам в военном законодательстве и существующим проблемам. Также раскрыта специфика военной службы как особого вида государственной службы и связанных с ней ограничений. В статье также подробно рассматривается развитие тенденций, связанных с государственным суверенитетом, территориальной целостностью, определением позиции вооруженных сил в защите мирной жизни и безопасности населения, военной службой в годы независимости. В статье сделан акцент на развитии видов военной службы как новшества, специфике организации военной службы на контрактной основе.

Мамлакат хавфсизлиги, чегаралар мустаҳкамлиги, халқ осойишталигини таъминлаш Куролли Кучлар ва уларда хизмат ўтаётган ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида белгиланганидек: “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”.

Олимларнинг таъкидлашича, ушбу конституциявий нормада Ватанни ҳимоя қилишни унинг ҳар бир фуқароси томонидан амалга оширилиши билан бир қаторда, унинг Куролли Кучларида хизмат қилиш орқали ҳимоя қилиш мажбурияти ҳам белгилаб берилмоқда [1].

О.Ҳақимов қайд этганидек, армиямизнинг ишончли таянчи бўлган Куролли Кучлар ҳарбий хизматчилари ва ходимлари ҳуқуқий мақомини белгилаш борасида ҳозирги кунгача бир қатор кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими ва қўшинларнинг замонавий моддий-техник таъминот тизимини яратиш, қўшинларни замонавий қурол-аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, қўшинлар шахсий таркибининг ахлоқий-руҳий хислатларини ошириш ва мустаҳкамлаш ҳамда жанговар тайёргарлигини юксалтириш, ҳарбий жамоада соғлом маънавий-руҳий муҳитни яратиш, ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий пенсионерларни ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича бир қатор ҳуқуқий асослар яратилди [2].

Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқаролар ва уларнинг оиласи манфаатини таъминлаш ҳамда ёшларни ҳарбий хизмат ўташини такомиллаштириш мақсадида 1990 йилги кузги чақириқдан бошлаб жумҳурият йигитларини Ўзбекистондан ташқарида жойлашган ҳарбий қурилиш қисмларига чақириш тўхтатилди, уларнинг ҳарбий хизматни ўташ шартлари ва хавфсизлиги, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни ҳимоя қилиш кафолатларини ўз ичига олган шартномалар тузила бошланди [3].

З.Умарова қайд этганидек, бугунги кунда ҳарбий хизматчиларнинг сони ҳам, сифати ҳам ўзгача. Мустақилликнинг дастлабки йилларида маҳаллий офицер кадрлар юртимиздаги ҳарбий хизматчилар умумий сонининг атиги 0,6 фоизини ташкил этарди. Офицерларни тайёрлаш эса учта ҳарбий билим юртида ва бор-йўғи учта ҳарбий мутахассислик бўйича олиб борилар эди. Амалга оширилган ишлар натижасида кўшимча равишда янги, замонавий олий ҳарбий таълим муассасалари ташкил этилди, курсантларни ўқитиш тизими эса кўп тармоқли асосда йўлга қўйилди [4].

Республика Президенти Ш.Мирзиёев ўринли таъкидлаганидек, тарихан қисқа муддатда мамлакатимиз мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия барпо этилди, деб ғурур ва ифтихор билан айтишга бугун барча асосларимиз бор [5].

Тарихшунос, жамиятшунос ёки ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига кўра ҳар бир давлатда фуқаронинг ҳарбий хизмат ўташи тарихий ҳужжатлар асосида унинг фуқаролик бурчи сифатида эътироф қилиб келинган. Масалан Г.Батюк ўз илмий ишларида ҳарбий хизматни фуқаронинг конституциявий бурчини ифодалаган давлат хизматининг алоҳида тури дея ўринли таъкидлайди [6].

А.Плеханов фикрига кўра, Қуролли Кучларни бутлаш идоравий масала эмас, балки давлат аҳамиятига молик бўлиб келган [7].

Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида ҳам давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун Қуролли Кучлар тузилиши алоҳида қайд этилган ва Қуролли Кучлар шахсий таркиби республика фуқароларини ҳарбий хизматга жалб қилиш орқали бутланади. Қуролли Кучларда хизмат ўташнинг мавжуд тартиботини таъминлашда ҳуқуқий асослар катта аҳамият касб этиб, бу борада ҳарбий қонунчилик тўлақонли шакллантирилди, десак муболаға бўлмайди.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига кўра ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида тури бўлиб, ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари жорий этилган [8]:

муддатли ҳарбий хизмат;

сафарбарлик чакируви резервидаги ҳарбий хизмат;

контракт бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Муддатли ҳарбий хизмат чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизмати бўлиб, унинг муддати календарь ҳисобида ўн икки ой этиб белгиланган. Муддатли ҳарбий хизматга оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган, шунингдек саломатлигига кўра ҳарбий хизмат ўташга яроқли бўлган эркак фуқаролар чақириладилар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби қонунчилик билан белгиланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4630 сон “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ҳарбий хизматга номзодларни танлаб олиш, тиббий кўрикдан ўтказиш ва ҳарбий хизматга чақиришнинг амалдаги тизими тубдан ислох қилинди.

Олиб борилган ижобий ишлар қаторида ҳарбий хизматга чақиришда синов тариқасида электрон хабардор қилиш амалиёти 2025 йилдан татбиқ этилмоқда, номзодларга қўшин турини танлаш имконияти яратиб берилиб, бунинг учун ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ва идораларга масъулият юклатилди.

Айниқса, муддатли ҳарбий хизматга чақириш жараёнидаги бир-бирини такрорловчи тадбирлар, тиббий кўрик билан боғлиқ муаммоларга барҳам берилмоқда. Уларнинг айримлари хусусида 2019 йил Президент Ш.Мирзиёев қуйидагича келтириб ўтган, яъни: “14 та вилоят ва 188 та туман (шаҳар) комиссиялари ташкил этилган бўлиб, уларга 1428 нафар шифокор жалб қилинган. Бунда чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти тиббиёт муассасалар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда, шифокорлар етишмаслиги сабабли штатлар бўш қолмоқда. Мудофаа ишлари бўлимларида ўтказилаётган тиббий кўриklar кўп ҳолларда куннинг биринчи ярмигача ташкил қилингани ва тумандаги марказий поликлиника шифокорлари комиссияга жалб этилиши натижасида аҳолининг ҳақли норозиликлари ва эътирозлари юзага келмоқда. Айниқса, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш вақти ўртача 9.00-10.00 дан бошланаётгани, шунингдек битта шифокорга аҳолининг ўртача сони 400 нафарни ташкил этаётгани (қонунчиликка асосан бир иш куни мобайнида тиббий кўрикдан ўтаётган шахслар сони 100 нафардан ошмаслиги лозим) комиссиялар фаолиятининг камчиликлари” сифатида кўрилган.

Х.Хотамовнинг маълумотига кўра, шу 2019 йилда сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ва ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига парламент сўрови юборилган. Ўрганиш давомида чақирувга жалб этилиши лозим бўлган фуқароларнинг 73,7 фоизи муддатли ҳарбий хизматга ёки сафарбарлик чақируви резерви сафига жалб этилмаганлиги, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга жалб қилинганларни ўқитиш тизимидаги қатор муаммолар аниқланган [9].

Эндиликда чақирув тадбирларини сифатли ташкил этиш мақсадида комиссиялар фаолияти тизимлаштирилди. Жойларда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида Раҳбарият кенгаши ва йиғиш пунктларида ҳарбий-тиббий комиссия, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида Қуролли Кучларни бутлаш комиссиялари, чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, соғлиги даражасини аниқлаш ва даволанишга йўналтириш учун - мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида ҳудудий тиббий комиссиялар ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини 15 февралдан 30 апрелгача амалга оширадилар.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга танлаб олиш ва бу жараёнда мудофаа ишлари органларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан яқин ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 июлдаги 413-сон қарорига 1-илова билан “Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисида низом” тасдиқланган. Унга асосан Қуролли Кучлар сафидаги муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилувчиларни ўрганиш, умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва танлаб олиш мақсадида танлов тадбирлари шаффоф ва холис ўтказилишини таъминлаш учун туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан чақирилувчиларнинг ҳарбий хизматни ўташга тайёрлигини баҳолаш бўйича танлов кенгашлари тузилган.

Танлов кенгашлари берган тавсия асосида чақирилувчиларни ҳарбий-техник мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш тўғрисида мудофаа ишлари органлари томонидан қарор ёхуд муддатли ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Раҳбарият кенгаши томонидан қарорлар қабул қилинмоқда.

Фуқаролар тиббий кўриқдан ўтиб ҳарбий ва муқобил хизматга қабул қилиниши сабабли ҳарбий хизматчи соғлиғи ҳолатининг бирламчи асоси сифатида тиббий кўриқ йўлга қўйилган. Аввало, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг 20, 24- моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси

фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги низомнинг 24, 48, 52–бандларига асосан ҳарбий хизматга чақирилаётган ёки контракт бўйича ҳарбий хизматга кираётган фуқаролар “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом”га мувофиқ ҳарбий-касбий саралашда мажбурий тиббий кўриқдан ўтиб, хизматга қабул қилинадилар.

Ш.Газиёв ўз Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ижтимоий ҳимояга оид ўтказган тадқиқотларида Миллий гвардияда Тиббиёт бошқармаси, ҳарбий қисм ва муассасаларда тиббий хизматлар ташкил этилганлиги қайд этиб, шу билан бирга: “улар Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг тиббий хизматлари билан солиштирарли даражада эмаслигини тан олиш керак. Шу сабабли ҳозирги кунда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ёки Миллий гвардияга ҳарбий хизматга келаётган фуқаролар тиббий кўриги асосан Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-тиббий комиссия томонидан амалга оширилмоқда, тиббий комиссия томонидан фуқаронинг ҳарбий хизматга, ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича хизматга яроқлилиги бўйича хулосалар чиқарилмоқда” деб таъкидлаб ўтган [10]. Муаллиф мазкур вазирлик ва идоралар тизимидаги ҳарбий-тиббий комиссияларнинг фаолиятида ҳам муаммолар мавжудлигини танқид қилган. Масалан, ҳудудларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий органлари раҳбарларининг тақдимномаси билан жарроҳ, терапевт, невропатолог, офталмолог, оториноларинголог, тери-таносил касалликлари шифокори, стоматолог, психиатр каби стандарт мутахассисликдаги шифокорлар жалб этилса, баъзан ўрта бўғин тиббиёт ходимларини чақиришга мажбур бўлишмоқда, ёхуд ҳарбий-тиббий комиссия таркибида мавжуд бўлмаган мутахассисликлар текшируви учун бошқа муассасаларга юборилади.

Дарҳақиқат, ҳарбий-тиббий текширув бўғинидаги мавжуд муаммолар ва тарорланадиган жараёнлар қайсидир маънода ҳарбий хизматга фуқароларни жалб қилиш ва саралаш жараёнларида ортиқча сарсонгарчиликлар келтириб чиқариши сир эмас. Оддий мисол, саралашнинг дастлабки ўрганиш, жисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш ва психологик ўрганиш босқичларидан муваффақиятли ўтган номзодлар қайта тиббий кўриқдан ўтиш учун наркологик, сил касалига қарши кураш, тери-таносил, психоневрологик диспансерлар ва ОИТСга қарши кураш марказидан олинган маълумотнома, сўнгги беш йил ичидаги амбулатор беморнинг тиббий картасидан кўчирма, мажбурий диагностика тадқиқот натижалари билан гарнизон ҳарбий-тиббий комиссияларга юборилади.

Бизнинг фикримизча, ҳарбий-тиббий текширув босқичи ва унинг натижаларини рақамлаштирилган ҳолда (чунки айрим соғлиқни сақлаш хизматлари бўйича маълумотномалар электрон тизимга ўтказиб бўлинган) ягона бир босқичли тизимга

келтириш мақсадга мувофиқ. Бунда муддатли ҳарбий хизматга юбориш учун тавсия этилган ва ҳудудий тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчилар бўйича маълумотлар базасини шакллантириб, Бутлаш комиссиялари учун тайёр ҳолга келтириш таклиф этилади. Шундан сўнгра Бутлаш комиссияси томонидан суҳбат қилиниб, соғлиги даражаси, жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда қўшин турларига тайинлаш бўйича қарор чиқарилади.

“Умумий ҳарий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосан ҳарбий хизматга яроқли, шу жумладан чекловлар билан яроқли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисобварағига пул бадаллари киритилишини назарда тутати. Сафарбарлик чақируви резервида ойлик йиғинни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучлар резервиге ўтказиладилар.

“Умумий ҳарий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига асосан резервчилар хизмати ҳақиқий ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган ҳарбий хизматга мажбурлар учун Қуролли Кучлар қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Бунда тинчлик даврида қўшинлар жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинлар ўтказилади. Резервчилардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда фойдаланилиши мумкин.

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонун 7-моддасига кўра Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида контракт бўйича ҳарбий хизмат ташкил қилинади. У армияни профессионал кадрлар билан бутлаш асоси ҳисобланиб, контракт асосида ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида давлат билан тузиладиган контрактга биноан амалга оширилади.

Аксарият олимларнинг фикрига кўра, ҳарбий ташкилотларда фуқароларни ҳарбий хизматга жалб қилишда ва шахсий таркибни бутлаш, контракт асосида хизматни ташкил қилишда доимий муаммолар мавжуд бўлган.

В.М.Анисимов, Ю.Е.Петров ва М.И.Лакшинларнинг фикрига кўра, контракт асосидаги ҳарбий хизматга ўтилиши муносабати билан ҳарбий-кадр муаммолари қалқиб чиқади ва бу диққат-эътибордан четда қолмаслиги зарур [11].

В.Ф.Кужилин ўз тадқиқотларида айниқса ҳарбий бошқарув ва мансабдорлик лавозимларига танлашда, кадрларни баҳолашда замонавий технологиялар етарлича татбиқ этилмаётганлигини таъкидлайди [12].

Сиёсатшунос олим А.Торишний ҳарбий хизмат ўзининг юқори ижтимоий мавқеини йўқотиб бораётган шароитда фуқароларни унга тайёрлаш, йиғиш ва ўташ жараёнлари тобора ташвиш уйғотмоқда деб қайд этади [13].

А.И.Колединов эса ўз ишида контракт асосидаги хизмат дастлабки вақтларда ўз самарасини бермаганлигини ва умуман профессионал армияга ўташ концепцияси ишлаб чиқилмаганлигини танқид қилган [14].

С.Журавлевга эса аксинча, муддатли хизматга чақириш ўз жозибасини йўқотиб бораётганлиги шароитида шахсий таркибни бутлашнинг энг қулай модели контракт деб ҳисоблайди [15]. Муаллиф шахсий таркибни контракт асосида бутлашга ўтилиши давлат ҳарбий ислоҳотларига ижобий таъсир қилганлигини олқишлайди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий хизматнинг анъанавий турлари Собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган илк вақтларда бу каби муаммолар мамлакатимизда ҳам кузатилган. Собиқ Иттифоқ даврида илгари “муддатдан ташқари хизмат” сифатида талқин этилган бўлиб, 2005 йилларгача фуқаролар билан ҳарбий хизмат ўташ бўйича ёзма контрактлар расмийлаштирилмаган. Эндиликда Ўзбекистон қонунчилиги такомилга юз тутиб, ҳарбий хизматни келгусида касб тариқасида танлаган фуқаролар контракт бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўташи белгиланган.

Ю.Пўлатов фикрига кўра контракт хизмат ҳарбий хизматга жалб қилишда табақалашган ёндошувни кўллашга ва жанговар профессионал қобилиятларини ошириш янги воситаси бўлиб хизмат қилади [16].

Контракт — вазирликлар орқали давлат билан фуқаро ўртасида тузиладиган ҳамда унинг ўз ихтиёри билан ҳақиқий ҳарбий хизматга кириши ва уни ўташини (ҳақиқий ҳарбий хизматни давом эттиришини) белгилаб берувчи битим бўлиб, унда хизмат муддати, ўзаро ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва томонларнинг жавобгарлиги ҳамда ҳарбий хизматни ўташнинг бошқа шартлари тартибга солинади.

Контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом” билан белгиланган [17].

Низомга биноан контракт бўйича ҳарбий хизматга саралаш табирлари ташкил қилиниб, ҳарбий хизматга кираётган номзодларга муайян талаблар қўйилган. Бунда контракт бўйича ҳарбий хизматга кираётган номзодларга ёш категорияси, антропометрик параметрлар, махсус текширув талаблари мавжуд бўлиб, ҳарбий-касбий саралаш тадбирлари орқали танлов асосида хизматга қабул қилинади. Контракт бўйича ҳарбий хизматга аёллар ҳам олинишлари мумкин, башарти аёл ҳарбий хизматчилар эгаллаши мумкин бўлган вакант лавозимлар мавжуд бўлган тақдирда.

Аёлларни ҳарбий хизматга жалб қилишнинг тарихий жиҳатларини тадқиқ этган олима З.Батуринанинг маълумот келтиришича, Собиқ Иттифоқ даврида аёлларни хизматга жалб қилиш тажрибаси кенг тарқалмаган ва Қуролли Кучлар шахсий таркиби ичида аёллар улуши 3,5% ни ташкил қилган. Кейинчалик 1992 йилдан Россияда контракт асосида хизматга олиш йўлга қўйилгандан кейин бу кўрсаткич 11-12%га ошган [18].

Ўзбекистонда ҳам аёл ҳарбий хизматчилар улуши мавжуд. Улар хизмат ўташи таъқиқланган лавозимлар рўйхати Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда вазирликлар раҳбарлари қўшма қарори билан белгиланади. Умуман олганда, аёл ҳарбий хизматчилар масаласида қонунчилик эҳтиёткор бўлишни талаб қилади.

Чунки, Е.Терешина фикрига кўра, аёллар ҳарбий хизматдаги ҳуқуқий мақоми ўзгача бўлиб, уларнинг манфаатлари устуворлиги инобатга олинган [19].

Ҳарбий хизматни ўташ жараёнида ҳарбий хизматчилар муайян ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатлардан фойдаланадилар. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат шартларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда Конституция ва қонунларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан тўлиқ фойдаланадилар, шунингдек фуқаролар сингари барча мажбуриятларни бажарадилар.

Н.Антонованинг қайд этишича, албатта давлат хизматчилари мақомида хизматни ўташ билан боғлиқ мажбуриятлари бор. Олиманинг фикрини давом этган ҳолда айтишимиз мумкинки, ҳарбий хизматнинг умумий ва махсус шартлари ва хусусиятлари муайян чекловларни ифодалайди [20].

Бинобарин, 2024 йил 29 ноябрдаги ЎРҚ-1008-сон Қонун билан “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунга янги - “VII-1. Ҳарбий хизматдаги чекловлар” деган мазмунда боб киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2025 йил 14 февралдаги ПФ-23-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий низомлари” янги таҳрирда тасдиқланди [21]. Қонунчилик билан илгаридан мавжуд бўлган чекловлардан ташқари унинг янги турлари жорий қилинди. Масалан Республика ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очиш ва уларга эга бўлиш, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилиш ҳарбийларга мумкин эмас. Асосий чекловлар қаторида хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажариш, ҳарбий қисм биносида ва ҳудудидида диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этиш, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақлаш таъқиқланди, аммо хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно. Ушбу чекловларга риоя этмаганлик ҳарбий хизматчиларни қонунга мувофиқ жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

О.Шарькинининг қайд этишича, ҳарбий хизматчиларнинг юридик жавобгарлиги бу умумфуқаровий қонунчилик ва махсус ҳарбий қонунчилик билан ҳарбий хизматчилар (махсус жавобгарлик субъекти)нинг ўзига хос ҳуқуқий мақоми ҳамда хизмат билан боғлиқ ташкилий, мулкӣ, ҳуқуқӣ чекловлар ҳисобга олган ўрнатилган давлатнинг мажбурлов чорасидир [22].

Ҳарбий хизматчиларнинг юридик жавобгарлиги мавзусида тадқиқотлар олиб борган Д.Н.Артамонов, Н.А.Виноградов, А.Е.Лунев, В.Романов, М.Савицкий, В.Стрекозова ва А.А.Ивашинларнинг қайд этишича, юридик жавобгарликнинг мавжуд барча турлари оддий фуқаролар сингари ҳарбий хизматчиларга ҳам тегишли. Хусусан, ҳарбий хизматчилар қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибда интизомӣ, маъмурий, жиноӣ, моддий ҳамда фуқаролик-ҳуқуқӣ сингари жавобгарлик турларига тортилиши мумкин.

М.Пўлатов фикрига кўра, қонунчиликда ҳарбий хизматчиларнинг фуқаролик ҳуқуқӣ-моддий жавобгарлигини ўрнатилишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Биринчидан ҳарбий хизматчилар томонидан етказилган зарарга нисбатан ҳарбий хизматчига давлат томонидан таъсир кўрсатиш чораси ҳисобланса, иккинчи томондан зарар кўрувчи томоннинг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатланганлигини кўрсатади [23].

Н.Юсупов мулоҳазаси бўйича, Ўзбекистон Республикасида Жиноят Кодексининг 279-302- моддаларида ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ва идораларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек, уларда ҳарбий йиғинларни ўтаётган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Қонун чиқарувчи ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, мустақил бўлимга ажратган ва ҳарбий хизматга қарши жиноятлар тизимини шакллантирган [24].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Қуролли Кучларида ҳарбий хизмат ташкил этиш ва ўташнинг зарур ташкилий ва ҳуқуқӣ чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Истиқлол йилларида мудофаа ва хавфсизлик

Йўналишидаги тизимли ислохотлар натижасида фуқароларнинг мамлакат олдида ҳарбий бурчини бажариш ва хизматни ўташ жараёнлари тубдан такомиллашди. Эндиликда ҳарбий хизмат давлат хизматининг махсус турига айланиб, уни ўташ ҳуқуқ ва мажбуриятлар олишни назарда тутди. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳарбий хизматчининг мақомини белгилаб беради. Ҳарбий хизматчиларнинг мақомини янада такомиллаштириш эса ҳозирги давр талаби бўлиб турибди. Шундан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини акс эттирадиган “Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;

иккинчидан, ҳарбий хизматчиларнинг жавобгарлигига оид “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш;

учинчидан, муддатли ҳарбий хизмат, сафарбарлик чақируви хизмати, резервчилар хизматига чақирувни ёзма қоғоз шаклида юритиш амалиётидан тўлиқ рақамлаштириш (my.gov.uz орқали, телефон рақамига SMS хабарнома юбориш ва б.)га ўтиш;

тўртинчидан, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш амалиёти ва ҳарбий-тиббий комиссияларнинг такрорланувчи функцияларини тугатиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш, тиббий кўрик натижаларини ва чақирувчилар ҳақидаги маълумотларнинг ягона электрон базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Nurmatov M.M. O‘zbekiston Respublikasida harbiy xizmatchilar maqomining nazariy-huquqiy asoslarini takomillashtirish // “Harbiy xizmatchilarning huquqiy maqomini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Toshkent, 2023. – B.4.
2. Hakimov O. O‘zbekistonda harbiy xizmatchilar huquqiy maqomini takomillashtirishning ayrim jihatlari // “Harbiy xizmatchilarning huquqiy maqomini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Toshkent, 2023. – B.89.
3. Ўзбекистон ССЖ Президентининг 1990 йил 4 сентябрдаги «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги ПФ-52-сон фармони. “Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти Олий Кенгашининг Ахборотномаси”, 1990 йил, 25-27-сон, 330-модда.
4. Umarova F.Z. Harbiy xizmatchilarni tayyorlashda fuqarolik huquqidan foydalanish haqida // “Fuqarolik huquqiy fanlarini rivojlantirish tendensiyalari va fuqarolik qonunchiligini takomillashtirish istiqbollari” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya. – Toshkent, 2022. – B.295.

5. Ш.М.Мирзиёев / Милли тараққиёт йўлимизни катъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 йил, 217-б.
6. Батюк Г.П. Конституционно-правовые основы военной службы и комплектования Вооруженных сил Российской Федерации: автореф.дисс...канд. юрид.наук. – Москва, 2003 г. – С.28.
7. Плеханов А.А. Комплектование и подготовка личного состава отдельного корпуса пограничной стражи (1893-1917 гг): автореф.дисс...канд. историч.наук. – Москва, 1999 г. – С.26.
8. O‘zbekiston Respublikasining “Umumiy harbiy majburiyat va harbiy xizmat to‘g‘risida”gi Qonuni. “O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Axborotnomasi”, 2002 yil, 12-son, 217-modda.
9. Xotamov X.S. O‘zbekistonda yangi taraqqiyot strategiyasini amalga oshirish jarayonida senatning parlament nazorati faoliyati // “Jinoatchilikka qarshi kurashning jinoiy-huquqiy va kriminologik muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari.- Toshkent, 2023. – B.33.
10. Gaziyeв Sh. Tibbiy ta‘minot - konstitutsiyaviy huquq (tahlil, muammo va yechimlar). T.: JXU, 2025 yil. №2. – 139-141.
11. Анисимов В.М. Военно-кадровая политика - сущность, содержание, гражданский контроль: социально-философский анализ: автореф.дисс...канд. философ.наук. – Москва, 2002 г. – С.29.
12. Кужилин В.Ф. Руководящий военно-кадровый потенциал Вооруженных сил Российской Федерации: методология социологического исследования, состояние, формирование и реализация: автореф.дисс...доктора социологических наук. – Москва, 2004 г. – С.2 (52).
13. Торишный А.О. Социально-политические аспекты комплектования Вооруженных сил Российской Федерации: автореф.дисс...канд. полит.наук. – Москва, 2006 г. – С.4 (24).
14. Колединов А.И. Комплектование кадров Вооруженных Сил России на контрактной основе: Факторы и трудности реализации: : автореф.дисс...канд.социо. наук. – Москва, 1999 г. – С.5 (27).
15. Журавлев С.И. Правовое регулирование комплектования пограничных органов и пограничных войск Федеральной службы безопасности военнослужащими на контрактной основе: автореф.дисс...канд.юрид. наук. – Москва, 2004 г. – С.3-8 (24).
16. Пўлатов Ю.С. К вопросу комплектования Вооруженных сил Республики Узбекистан преимущественно военнослужащими по контракту // “Ҳарбий

хизматчиларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2023. – Б.25-26.

17. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 12 sentabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolarining harbiy xizmatni o‘tash tartibi to‘g‘risidagi nizomni taqdislash haqida”gi PQ-4447-son qarori. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. www.lex.uz.

18. Батурина З.П. Исторический опыт привлечения женщин на военную службу в отечественные вооруженные силы в XX веке: автореф. дисс... канд. истори. наук. – Москва, 2004 г. – С.19-20.

19. Терешина Е.В. Правовой статус военнослужащих – женщин и его реализация в пограничных органах Федеральной службы безопасности (на примере органов пограничного контроля): автореф... дисс. канд. юрид. наук. Москва, 2005 г. – С.4.

20. Антонова Н.М. Конституционно-правовой статус публичных служащих в Российской Федерации: автореф... дисс. канд. юрид. наук. – Москва, 2012. – С.19.

21. O‘zbekiston Respublikasining 29.11.2024 yildagi O‘RQ-1008-son “O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining hamda huquqni muhofaza qiluvchi organlarning faoliyati samaradorligini oshirishga qaratilgan o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi Qonuni. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, www.lex.uz.

22. Шарыкина О.В. Юридическая ответственность военнослужащих в Российской Федерации: теоретико-правовое исследование: автореф... дисс. канд. юрид. наук. - Москва, 2002 г. – С.31.

23. Po‘latov M. Harbiy xizmatchilarni moddiy javobgarligi fuqarolik-huquqiy javobgarlikning turi sifatida // Yurisprudensiya - jurisprudensiya – jurisprudence. 2021. №4-son. – B.70.

24. Yusupov N. Harbiy xizmat vazifalarini bajarishda bo‘ysinuvchi huquqlari muhofazasining ayrim jihatlari // “Inson qadrini ulug‘lovchi xalqparvar davlat barpo etish” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Toshkent, 2023. – B134.